учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

106 Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўгрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ−1245-сон карорини бажариш юзасидан ҳамда вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. 2010 йил 1 апрелдан бошлаб вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар микдорлари 1-иловага мувофик белгилансин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархларни бошқариш жамғармаси тугатилсин, маблағлар қолдиқлари Давлат бюджетига йўналтирилсин.
- 3. Белгилаб қуйилсинки, Узбекистон Республикаси Монополиядан чикариш, рақобат ва тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш давлат қумитаси хузуридаги тугатилган Тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий узгартириш жамғармасининг маблағлари Узбекистон Республикаси Давлат бюджетига йуналтирилади.
- 4. 2010 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2 ва 3-иловаларга мувофик айрим карорларига ўзгартиришлар киритилсин, шунингдек баъзилари ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.
- 5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.
 - 6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2010 йил 2 апрель, 62-сон

> Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-ИЛОВА

Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йигимлар ва солик булмаган туловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар МИКДОРЛАРИ

T/p	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар миқдори (фоизларда)
1.	Саноатда, кончиликда ва ком- мунал-маиший секторда ишлар- нинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспек- цияси	Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига мувофик «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан солинадиган жарималар суммаси	80
2.	Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси)	Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жарималар ва ундирилган маблағлар ҳамда атроф муҳит ифлосланганлиги учун компенсация тўловлари суммалари (ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ бузилишлар учун жарималар ва ундириладиган пул суммалари бундан мустасно)	40
3.	Давлат божхона қўмитаси	Кўрсатилган хизматлар учун божхона йи- гимлари ва тўловлар шаклидаги тушумлар	20
		Божхона органлари томонидан (шу жумладан чегара хизматлари билан биргаликда) олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар	8*
4.	Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмитаси	Божхона органлари томонидан чегара хизматлари билан биргаликда олиб қўйилган ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблаглар	8*
5.	Миллий хавфсизлик хизмати	Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар	16
6.	Бош прокуратура	Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолат- ларда давлат даромадига ўтказилган мол- мулкни сотишдан олинган маблағлар	8

T/p	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар микдори (фоизларда)
7.	Ташқи ишлар вазирлиги	Кириш ва чиқиш ҳужжатлари, бошқа консуллик хизматлари расмийлаштирил-ганлиги учун йиғимлар ва бошқа тушумлар	8
8.	Давлат солиқ қўмитаси	Солиқ органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тар- тибда давлат даромадига ўтказилган мол- мулкни сотишдан олинган маблағлар	10
		Солиқ ҳақидаги қонунлар бузилганлиги учун молиявий жазолар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарималар суммаси	10**
		Якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун ундири-ладиган давлат божи суммаси	60
9.	Ички ишлар вазирлиги	Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммаси	8
		Автомототранспорт воситалари қайта рўй- хатдан ўтказилганлиги учун тўлов суммаси	8
		Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолат- ларда давлат даромадига ўтказилган мол- мулкни сотишдан олинган маблағлар	8
		Чиқиш ва кириш визалари берилганлиги, улар муддатининг узайтирилганлиги, вактинча рўйхатдан ўтказилганлиги, доимий яшаш учун ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги үчүн давлат божлари	8
10.	Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси	Давлат тасарруфидан чикариш ва хусу- сийлаштиришдан тушган маблаглар	2,5
		Давлат активларининг олди-сотди шартно- маларини тузиш ва бекор қилиш, берилган кредитлар ва қарзлар бўйича тушган пенялар ва жарималар суммаси	50
11.	Молия вазирлиги	Тафтишлар ва текширишлар натижалари буйича бюджет даромадига ундирилган растрата, талон-торож, камомад, ноконуний харажатлар, акцияларнинг давлат улушидан олинган дивидендлар бюджетта ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун жарималар суммаси	8
12.	Судлар ва адлия муассасаларини ривожлантириш жамгармаси (Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий хўжалик суди, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти)	Умумий юрисдикция судлари томонидан кўриладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари суммаси	16
		Хўжалик судлари томонидан кўриладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари суммаси	12
		Адлия органлари ва ФХДЁ бўлимлари томонидан ундириладиган давлат божлари суммаси	16
		Нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божлари суммаси	12
		Нодавлат нотижорат ташкилотлари, адво- катлик бюролари, фирмалари, ҳайъатлари, ҳусусий нотариал идоралар рўйхатдан ўтказилганлиги, нотариал ва адвокатлик фаолияти лицензияланганлиги, юридик кадрлар малака аттестациясидан ўтказил- ганлиги учун адлия органлари томонидан ундириладиган маблаглар, шунингдек адлия органлари томонидан ундириладиган жарималар	80

T/p	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар миқдори (фоизларда)
		Ижро этиш бўйича бюджетта ундирилган суммалар, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ундирилиши бундан мустасно	24
		Ваколатли органлар томонидан олиб куйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан, шунингдек солиқ- лар ва бошқа мажбурий туловлар буйича муддатида туланмаган қарзларни унди- ришдан тушадиган маблағлар	8
		Суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йигими маблаглари	80
		Мол-мулкни сотиш ёки бахолаш бўйича ўз зиммасига олган шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги (зарур тарзда бажарилмаганлиги) учун биржаларга, бахолаш ташкилотларига, савдо ташкилотларига, бошқа шахсларга солинадиган жарималар ва пеня	80
		Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПК—458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўгрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари депозит ҳисоб рақамига ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларида қатнашиш учун қўйилган закалатлар	80
13.	«Давбионазорат» инспекцияси	Узбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар турлари учун — ёввойи ҳайвонларни тутишга ва Узбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга ҳамда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни йигишга ва олиб чиқиб кетишга рухсатнома берилганлиги учун тўлов	12
		Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар турлари учун — ёввойи ҳайвонларни тутишга ва Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга ҳамда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни йигишга ва олиб чиқиб кетишга рухсатнома берилганлиги учун тўлов	40
		Мусодара қилинган овчилик ва балиқ овлаш қуроллари, шунингдек овчиликнинг ноқонуний маҳсулотлари сотилишидан тушган маблағлар	40
		Маъмурий хукукбузарлик хамда хайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун жарималар ундиришдан олинган маблаглар	40
		Республиканинг табиий баликчилик хўжалиги сув хавзалари ижарага берилишидан тушган маблаглар	12

T/p	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар микдори (фоизларда)
14.	Давлат мулки қўмитаси хузури- даги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги учун иқтисодий жазолар суммаси	8
15.	«Ўзстандарт» агентлиги хузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш жамғармаси	Стандартлар, метрология ва сертификат- лаштиришнинг мажбурий талаблари, дав- лат инспекторларининг хўжалик фаолияти субъектлари томонидан махсулотлар реа- лизацияси (етказиб берилиши, сотилиши) тақиқланиши ҳақидаги кўрсатмалари бу- зилганлиги учун жарималар	8
16.	Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси	Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларга солинадиган жарималар суммаси	8
17.	Давлат патент идораси	Хорижий валютадаги патент божлари ва бошқа солиқ бўлмаган тўловлар Миллий валютадаги патент божлари ва	8
		бошқа солиқ булмаган туловлар	80
18.	Ўзбекистон Республикаси Моно- полиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	Монополияга қарши қонунчилик, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ-ларини ҳимоя қилиш ва реклама тўгрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик юритувчи субъектларга солинадиган жарималар суммаси	20
		Мулкида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўгрисидаги материаллар такдим этилмаганлиги ёхуд ўз вактида такдим этилмаганлиги учун мансабдор шахслардан қонун хужжатларида белгиланган тартибда Монополиядан чикариш ва ракобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан ундири-	80
19.	Давлат захираларини бошқариш қўмитаси	ладиган жарималар суммаси Махсулотлар ва материалларни давлат захирасидан қарзга олиш	0,8
20.	Кишлоқ ва сув хўжалиги вазир- лиги хузуридаги «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси	Сув лимити ортиқча олинганлиги учун жарималар	40
21.	Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси	Электр ва иссиклик энергиясидан фойдаланиш коидалари бузилганлиги учун юридик шахсларга иктисодий жазолар суммаси	8
22.	Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва кўллаб-қув-ватлаш жамғармаси («Ўзкимёсаноат» ДАК)	«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик ком- панияси бошқарувидаги ташкилотларнинг давлат мулкини хусусийлаштириш ва акцияларини сотишдан олинган маблағлар, қонун хужжатларига мувофиқ Давлат мулки қўмитаси тасарруфида қолдирила- диган маблағлар бундан мустасно	100
23.	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги	Автомобиль ва дарё транспортида йўловчилар ва юк ташишга лицензиялар берилганлиги, шунингдек автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташишга берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи	25
24.	Ахборот-коммуникация техноло- гияларини ривожлантириш жам- гармаси (Алоқа ва ахборотлашти- риш агентлиги)	Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи	50

T/p	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар микдори (фоизларда)
		Алоқа соҳасидаги фаолиятни амалга оши- рувчи юридик шахслардан норматив хуж- жатлар, давлат тармоқ стандартлари талаб- лари, алоқа соҳасида кўрсатилаётган хиз- матлар сифати бузилганлиги учун ундири- ладиган жарима санкциялари	45
25.	Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги)	Республиканинг табиий балиқчилик хўжа- ликлари сув ҳавзалари ижарага берилган- лигидан тушган маблағлар	20
26.	Ўзбекистон Республикаси Вазир- лар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбе- кистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси	Нефть махсулотлари ва газдан фойдаланиш коидалари бузилганлиги учун юридик шахсларга иктисодий жазолар суммаси	8
27.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси	Статистика ҳисоботи ўз вақтида, тўлиқ тақдим этилмаганлиги ва ишончсиз маълумотлар билан тақдим этилганлиги учун ҳўжалик юритувчи субъектларга солинадиган иқтисодий санкциялар ва жарималардан тушадиган маблағлар	100
28.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар турлари учун — ёввойи ҳайвонларни тутишга ва Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга ҳамда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни йигишга ва олиб чиқиб кетишга рухсатнома берилганлиги учун тўлов	8
29.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликлар карантини бўйича бош давлат инспекцияси	Куйидагилардан: бошқа давлатлардан келаёттан уруғлик, кўчат материал ва карантин назорати остидаги бошқа ўсимлик махсулотларини, шунингдек республика худуди орқали транзит ўтаёттан карантин остидаги юкларни импорт қилишта импорт карантин рухсатномаси берилганлигидан карантин остидаги махсулотларни республикадан экспорт қилишда ўсимликлар карантини ва уларни ҳимоя қилиш давлат органлари томонидан фитосанитария сертификати ёки гувоҳнома берилганлигидан республика ичида карантин фитосанитария сертификати берилганлигидан импорт юкларни кредитлардан холи қилишдан ва ҳужжатларни берипцан (самолёт, вагон, контейнер, автотранспорт ва бошқа транспорт воситалари) ўсимликлар карантини чегара пунктларида Ўзбекистон Республикаси орқали ўтадиган карантин остидаги транзит юкларни очмасдан транспорт бирликлари ҳужжатларини расмийлаштиришдан тушган даромадлар	50

^{*} Маблағлар сарфи товарларнинг чегара орқали қонуний ўтишини таъминловчи бюджетдан ташқари ягона Ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рагбатлантириш жамғармасидан амалга оширилади.

** Ушбу маблаглардан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан аниқланган ҳолатлар буйича тушумлар курсатиб утилган Департаментнинг бюджетдан ташқари жамғармасига йуналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 майдаги 246-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 5-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тӱғрисидаги низомнинг 5-банди иккинчи саккизинчи хатбошилари ва ўн иккинчи ҳамда 8-банди учинчи хатбошидаги «50» рақами «40» рақами билан алмаштирилсин.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 385-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш буйича Вақтинчалик тартибнинг 4-банди туққизинчи хатбошининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
- «жарималарнинг 60 фоизи республика бюджетига ўтказилади, қолган 40 фоизи эса сув хўжалиги ташкилотларининг махсус хисоб рақамларига ўтказилади».
- 3. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йигимлар ҳамда солиқ булмаган бошқа туловлар ставкалари туррисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига 2-илованинг «Божлар, йигимлар ва солиқ булмаган бошқа туловлар тулашдан валюта тушумларини тақсимлаш» жалвалила:
- 2 ва 3-бандлардаги «25» ва «75» рақамлари тегишли равишда «20» ва «80» рақамлари билан алмаштирилсин;
- 4, 5, 6 ва 14-бандлардаги «10» ва «90» рақамлари тегишли равишда «8» ва «92» рақамлари билан алмаштирилсин;
- $7,\ 8$ ва 12-бандлардаги «15» ва «85» рақамлари тегишли равишда «12» ва «88» рақамлари билан алмаштирилсин;
- 9-банддаги «100» ва «0» рақамлари тегишли равишда «80» ва «20» рақамлари билан алмаштирилсин;
- 11-банддаги «5» ва «95» рақамлари тегишли равишда «8» ва «92» рақамлари билан алмаштирилсин.
- 4. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қуллаш туррисидаги низомнинг ІІІ булими 4-бандида-

ги «90» ва «10» рақамлари тегишли равишда «92» ва «8» рақамлари билан алмаштирилсин.

- 5. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўгрисидаги низомнинг 10-бандидаги «60» ва «10» рақамлари тегишли равишда «62» ва «8» рақамлари билан алмаштирилсин.
- 6. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қумитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари туррисида» 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) 7-банди иккинчи хатбошидаги «25» рақами «20» рақами билан алмаштирилсин.
- 7. Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги 504-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 12-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Ахолини иш билан таъминлаш тўгрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиби тўгрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «7. Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ундирилган жарималар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

жарималар суммасининг 20 фоизи — республика бюджетига;

- 80 фоизи Бандликка кумаклашиш давлат жамғармасига».
- 8. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан патент пошлиналарини ва солиқ булмаган бошқа туловларни ундиришдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби турисида низомнинг 6-бандида:

иккинчи хатбошидаги «90» рақами «92» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин.

- 9. Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўгрисидаги низомнинг 4-банди бешинчи хатбошидаги «50» рақами «45» рақами билан алмаштирилсин.
- 10. Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда ҳизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тӱғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 56-модда) 13-банди учинчи ҳатбошидаги «10» раҳами «8» раҳами билан алмаштирилсин.
- 11. Вазирлар Махкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):
 - а) 2-банлла:

иккинчи хатбошидаги «20» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «15» рақами «12» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «20» ва «15» рақамлари тегишли равишда «16» ва «12» рақамлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ундириладиган маблаглар» сўзлари «ундириладиган маблагларнинг 80 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «30 фоиз» сўзлари «24 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин; саккизинчи хатбошидаги «ижро йиғимлари маблағлари» сузлари «ижро йиғимларининг 80 фоизи» сузлари билан алмаштирилсин;

туққизинчи хатбошидаги «очиқ аукционда иштирок этиш учун киритилган закалатлар» сузлари «очиқ аукционда иштирок этиш учун киритилган закалатларнинг 80 фоизи» сузлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «ундириладиган жарималар ва пенялар» сўзлари «ундириладиган жарималар ва пенялар суммасининг 80 фоизи микдоридаги ажратмалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 2-бандида:

иккинчи хатбошидаги «20» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «15» рақами «12» рақами билан алмаштирилсин; тўртинчи хатбошидаги «20» ва «15» рақамлари тегишли равишда «16» ва «12» рақамлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «маблағлар» сўзи «маблағларнинг 80 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «30 фоиз» сўзлари «24 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин; саккизинчи хатбошидаги «ижро йиғимлари маблағлари» сўзлари «ижро йиғимларининг 80 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

туккизинчи хатбошидаги «очик аукционда иштирок этиш учун киритилган закалатлар» сузлари «очик аукционда иштирок этиш учун киритилган закалатларнинг 80 фоизи» сузлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «жарималар» сўзи «жарималар суммасининг 80 фоизи микдоридаги ажратмалар» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тӱловлар тизимини такомиллаштириш тӱгрисида» 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарорининг 3-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 35-модда):

иккинчи хатбошидаги «50» рақами «40» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «50» рақами «60» рақами билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармогида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2003 йил 13 августдаги 350-сон қарорининг 9-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 70-модда):

учинчи хатбошидаги «60» рақами «68» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «25» рақами «20» рақами билан алмаштирилсин; бешинчи хатбошидаги «15» рақами «12» рақами билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 86-модда) билан тасдиқланган Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўгрисидаги низомнинг 7-бандида:

иккинчи хатбошидаги «60» рақами «62» рақами билан алмаштирилсин; туртинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин.

- 15. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилишини бартараф этишга доир фаолиятни рағбатлантириш тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 498-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 99-модда):
 - а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «70» рақами «76» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «20» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин; туртинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин;

- б) 3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин.
- 16. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 102-модда) билан тасдиқланган Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўгрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тўгрисидаги низомда:
 - а) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «75» ва «10» рақамлари тегишли равишда «80» ва «8» рақамлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «50» рақами «60» рақами билан алмаштирилсин;

- б) 3-банднинг олтинчи хатбошидаги «50» рақами «60» рақами билан алмаштирилсин.
- 17. Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари тўгрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиклаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорининг 2-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 26-модда):

иккинчи хатбошидаги «хорижий валютадаги маблагларнинг 90 фоизи» сўзлари «хорижий валютадаги маблагларнинг 92 фоизи ва миллий валютадаги маблагларнинг 20 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «хорижий валютадаги маблагларнинг 10 фоизи ва миллий валютадаги маблагларнинг 100 фоизи» сўзлари «хорижий валютадаги маблагларнинг 8 фоизи ва миллий валютадаги маблагларнинг 80 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сон қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштиришдан тушумларни хисобга олиш, тақсимлаш ва маблағлардан фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўгрисидаги низомнинг 2-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 1-сон, 8-модда):

иккинчи хатбошидаги «65» рақами «68,5» рақами билан алмаштирилсин;

туртинчи хатбошидаги «5» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин; бешинчи хатбошидаги «3» рақами «2,5» рақами билан алмаштирилсин; олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

- 19. Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўгрисидаги низомнинг 53-бандида:
 - а) 1-кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «70» рақами «76» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «20» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин; туртинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин;

б) 2-кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «70» рақами «76» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «20» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин; туртинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин;

- в) қуйидаги мазмундаги 2-1 ва 2-2-кичик бандлар қушилсин:
- «2-1) Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб қуйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган товарлар ва бошқа бойликлар буйича:
 - 82 фоизи тегишли махаллий бюджетга;
- 10 фоизи Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларининг махсус хисоб рақамига;
- 8 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг хисоб рақамига;
- 2-2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан олиб қуйилган ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига утказилган товарлар ва бошқа бойликлар буйича:
 - 82 фоизи тегишли махаллий бюджетга;
- 10 фоизи Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларининг махсус ҳисоб рақамига;
- 8 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамига;
 - г) 3-кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «40» рақами «52» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «50» рақами «40» рақами билан алмаштирилсин; туртинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин; д) 4-кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «80» рақами «84» рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин;

туртинчи хатбошидаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 3-ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Хукуматининг 2010 йил 1 апрелдан бошлаб ўз кучини йўкотган деб эътироф этилаётган қарорлари

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона муассасалари капитал қурилишини молиявий таъминлаш ва инфраструктурасини ташкил этиш фонди маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1992 йил 19 майдаги 239-сон қарори.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Нарҳларни бошқариш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 22 июлдаги 368-сон қарори.
- 3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари туррисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова (Узбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда).
- 4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш давлат қумитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий узгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби турисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 4 августдаги 185-сон қарори.
- 5. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида» 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига 2-илованинг 45-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й.. 8-сон. 43-модда).
- 6. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш турисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартибини соддалаштириш турисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ—186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илованинг 52-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда).
- 7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ—331-сон

қарори) 2006 йил 6 июлдаги 130-сон қарорига илова 13-бандининг учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 48-модда).

— 24 —

- 8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўгрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида» 2009 йил 27 февралдаги ПҚ—1062-сон қарори) 2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарорига 1-илованинг 19-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 20-модда).
- 9. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарорига 2-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 12-сон, 84-модда).